ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1311-1315

ТУРЛИ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИ СОЯНИНГ “ТЎМАРИС” НАВИНИ ҲОСИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

С. О. Хусанов
Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиали қ.х.ф.ф.д., директор ўринбосари
sardorbek_xusanov89@mail.ru

Г. Б. Тургунова
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти таянч докторанти
xumor1294@vmail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада турли суғориш тартибларида такрорий экин сифатида парваришланган соянинг “Тўмарис” навини ҳосил элементлари ва дон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган

Ключевые слова: Соя, такрорий экин, тажриба тизими, ҳисобий қатлам, ЧДНС, суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш меъёри, мавсумий суғориш меъёри, суғориш муддати, суғориш тартиби, ҳосил элементлари, ҳосилдорлик.

КИРИШ

Дунё бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат хафсизлигини таъминлашда суғориш сувларининг ўрни беқиёсдир. Мавжуд чучук сув заҳираларининг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади. Шунингдек, умумий экин ер майдонининг 20 фоизи суғорма деҳқончилик улушига тўғри келади ва етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизи суғориладиган ерлардан олинади.

Дунёда дуккакли экинлари етиштирувчи аксарият мамлакатларда дон ҳосилдорлиги экинларни етиштиришда суғориш муддатлари ва меъёрларига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Соянинг суғориш меъёрлари ва муддатларини тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўсимликнинг физиологик талабига қараб тўғри белгилаш олинадиган дон ҳосили миқдори ва сифатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

ADABIYOTLAR TAXLILI VA METODOLOGIYA

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «…қишлоқ хўжалиги ишлаб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1311-1315

чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва русурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, соядан кафолатланган дон ҳосили етиштиришга йўналтирилган илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Илмий изланишлар 2017-2019 йилларда Андижон вилояти Андижон туманидаги «Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти» ўтлоқи тупроқлари шароитида олиб борилган. Тажрибада такрорий экиладиган соянинг Тўмарис нави экилиб, суғориш тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65%, 70-75-65%, 75-80-70% тартибларда олиб борилган. Тупроқ намликларини хисобий қатлами гуллашгача 0-50 см, гуллаш хосил тўплаш 0-70 см ва пишиш тўлиқ пишиш давригача 0-50 см олиниб, дала тажрибаси бир ярусда 4 қайтариқда жойлаштирилган. Эгат узунлиги 50 м, 16 та қатордан кенглиги 9,6 м, эгат оралиғи 60 см, 16 қаторнинг ўртадаги 8 қатори ҳисобий қаторлар, икки четдаги тўртта 4+4=8, 4+4=8 қаторлари эса ҳимоя қаторлари сифтида белгиланган. (1-жадвал)

Жадвал 1 – Тажриба тизими.

№	Нав	Тупроқнинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, %
1.	Тўмарис	65-70-65
2.		70-75-65
3.		75-80-70

Қишлоқ ҳўжалик экинларини етиштиришда бир марта суғориш учун сарфланган сув миқдори суғориш меъёри бўлиб, м^3/га билан ифодаланади. Экиннинг вегитация даври давомида сарфланган сув миқдори, яъни суғориш меъёрларининг йиғиндиси эса мавсумий сув миқдорига тенг бўлади. Шунинг учун мавсумий суғориш миқдори ўсимликнинг ривожланиш фазаларига боғлиқ ҳолда белгиланган суғоришлар сони ва суғориш меъёрига кўра ўзгариб боради.

МУҲОКАМА ВАНАТИЖАЛАР

Тажрибада ўрганилган такрорий экилган соянинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % белгиланган вариантида амал даври давомида 3 марта суғорилган. 1 чи суғориш гуллашгача бўлган даврга тўғри келиб, 545 м^3/га, 2 чи суғориш дукаклашгача бўлган даврда 671 м^3/га, 3 чи суғориш эса пишишгача бўлган даврда амалга оширилиб, 548 м^3/га меъёрларда, мавсумий суғориш меъёри эса 1792 м^3/га, 1-1-1 тартибда суғорилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1311-1315

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантда амал даври давомида 4 марта суғорилган. 1 чи суғориш гуллашгача бўлган даврда 499 $м^3$/га, 2 чи ва 3 чи суғоришлар дукаклашгача бўлган даврга тўғри келиб, умумий 1164 $м^3$/га, 4 чи суғориш эса пишишгача бўлган даврда 556 $м^3$/га меъёрларда, мавсумий суғориш меъёри 2196 $м^3$/га, 1-2-1 суғориш тартибида суғорилган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-70 % белгиланган вариантда такрорий экилган соя амал даври давомида 5 марта суғорилган. 1 чи суғориш гуллашгача бўлган даврда 425 $м^3$/га, 2 чи ва 3 чи суғоришлар дукаклашгача бўлган даврга тўғри келиб, умумий 894 $м^3$/га, 4 чи ва 5 чи суғоришлар эса пишишгача бўлган даврда, умумий 986 $м^3$/га меъёрларда, мавсумий суғориш меъёри 2312 $м^3$/га, 1-2-2 тартибда суғорилган.


Соянинг амал даври оҳирида белгиланган суғориш тартибларида тажрибанинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган, 1 та ўсимликдаги дуккак сони, 1 та дуккакдаги уруғ сони, 1 та ўсимликдаги уруғ сони, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни, 1000 дона дон оғирлиги бўйича тажрибада олинган маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, тажрибада ўрганилаётган соянинг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ҳосил элементлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % белгиланган вариантда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 29,8 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 1,9 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 58,0 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 6,6 г, 1000 дона уруғ вазни 117,4 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 32,6 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 2,3 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 72,2 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 9,2 г, 1000 дона уруғ вазни 123,1 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-75 % белгиланган вариантда 1 та ўсимликдаги дуккак сони 30,8 дона, 1 та дуккакдаги уруғ сони 2,1 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ сони 70,1 дона, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни 7,8 г, 1000 дона уруғ вазни 120,7 г ни ташкил этган.

Келтирилган маълумотларга кўра тажрибада такрорий экин сифатида ўрганилаётган сояни Тўмарис навининг юқори миқдорда ҳосил элементлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантда олинган.

Дон ҳосилдорлиги бўйича олинган натижаларга кўра ҳам энг юқори дон ҳосили суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантда 25,1 ц/га олинганлиги ва энг паст миқдордаги дон ҳосили суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 %

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1311-1315

белгиланган вариантда 18,7 ц/га олинганлиги, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-75 % белгиланган вариантда дон ҳосили 22,7 ц/га ни ташкил қилганлиги ва суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % белгиланган вариантга нисбатан 2,4 ц/га кам дон ҳосили шаклланганлиги аниқланган. (1-расм)



$НСР_{05}$ суғориш тартиблари бўйича 0,15 ц/га.

1-расм. Такрорий экин сифатида парваришланган сояни “Тўмарис” навини суғориш тартибларини ҳосил элементлари ва дон ҳосилдорлигига таъсири (2017- йил)

ХУЛОЛСА

1. Суғориш олди тупроқ намлиги 65-70-65% дан 70-75-65%, 75-80-70% га ортиб бориши билан суғориш меъёри, суғориш вақти, суғоришлар орасидаги муддатлар камайиб борганлиги аниқланди.

2. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис навини суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан сояни 70-75-65% бўлганда юқори дон ҳосили шаклланиши учун мақбул эканлиги кузатилиб 25,1 ц/га дон ҳосили олинди.

3. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-75-65% тартибда, суғоришни 1-2-1 тизимда, мавсумий суғориш меъёрини гектарига 2150-2270 $м^3$ белгилаш тавсия этилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1311-1315

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги фармони.
2. Маматалиев А “Суғоришнинг мойли экинлар ўсув фазалари давомийлиги ва ҳосилдорлигига таъсири” «Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали» махсус сон. 2019 йил 22-23 бетлар.
3. С.О. Хусанов. Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқларида кузги буғдой ва такрорий экиладиган соянинг янги навларини суғориш тартибини ўрганиш. Диссертация. Тошкент-2021.
4. https://www.agrodialog.com.ua/soya-i-oroshenie.html
5. http://sistema-orosheniya.ru/stati/strategii-planirovaniya-rejima-orosheniya-soi/